КУТУБХОНАСИ

2008 ЙИЛ, 2 МАЙ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 84 (11.145)

Баҳоси эркин нархда

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
***ФАРМОНИ***

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларнинг тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш, уни юқори малакали кадрлар билан тўлдириш, адвокатларнинг мустақиллиги кафолатларини кучайтириш, адвокатлик касбининг обрўси ва нуфузини ошириш мақсадида:

1.Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг самарали ҳимоя қилинишини ҳар томонлама таъминлашга қаратилган суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги ислоҳотларнинг бугунги кундаги энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин.

Қуйидагилар адвокатура институтини янада ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида фуқаролик жамиятининг асосий институтларидан бири бўлган адвокатуранинг самарали ўзини ўзи бошқарадиган марказлаштирилган тизимини ташкил қилиш;

адвокатликка номзод шахсларнинг малакасига нисбатан қўйилаётган талабларни кучайтириш, уларнинг юридик соҳа бўйича иш тажрибасига эга бўлиши ва адвокатлик тузилмаларида амалиёт ўташини белгилаш, шунингдек, адвокатларнинг мунтазам равишда касбга оид малакасини оширишнинг мажбурийлигини жорий қилиш;

адвокатурани ҳалол ва касб маҳорати юқори мутахассислар билан тўлдиришни таъминлайдиган самарали лицензиялаш тизимини ташкил этиш;

адвокатлик тузилмаларининг ваколатларини аниқлаштириш ва ҳуқуқий мақомини белгилаб бериш;

жиноят процессида айблов ва ҳимоя тарафларининг процессуал ҳуқуқлари тенглигини таъминлаш;

ҳуқуқшунослик соҳасида махсус билимга эга бўлмаган шахсларнинг суд ишида иштирок этишига йўл қўйилмасликка қаратилган тарафлар вакиллиги институтини босқичма-босқич такомиллаштириш;

адвокатлар томонидан касб этикаси қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш механизми ва адвокатларга нисбатан интизомий иш юритиш тизимини такомиллаштириш.

2.Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Адвокатлар ассоциациясининг Ўзбекистон Республикаси барча адвокатларининг мажбурий аъзолигига асосланган Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси негизида Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасини ташкил этиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

3.Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

адвокатлик тузилмалари фаолиятини марказлашган ҳолда мувофиқлаштириб бориш;

*(Давоми 2-бетда).*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
***ФАРМОНИ***

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

2008 йилда халқаро жамоатчилик инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги асосий демократик тамойил ва талабларни ўзида мужассам этган, бу соҳада бутун халқаро ҳуқуқ тизимини шакллантиришнинг сиёсий, ҳуқуқий асосига айланган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигини нишонлайди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин қўшилган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжат бўлди. Демократик, ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини жамиятни ривожлантириш ва давлат қурилишининг, бутун ички ва ташқи сиёсатининг энг устувор йўналиши этиб белгилади.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 60 та асосий ҳужжатга қўшилди, БМТ томонидан бу соҳада қабул қилинган олтита асосий халқаро шартнома қатнашчисига айланди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилик меъёрларида ўз ифодасини топган.

Бозор ислоҳотларини изчил амалга ошириш, йирик давлат ижтимоий дастурлари, жумладан, «Соғлом авлод», «Она ва бола», «Сиҳат-саломатлик йили», «Оила йили», «Ижтимоий ҳимоя йили», «Ёшлар йили» ва бошқа дастурларни ҳаётга татбиқ этиш орқали мамлакатда инсоннинг, аввало, болалар, аёллар, ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқларини бутун чоралар билан ҳимоя қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди.

Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмлари яратилган ва улар амалда самарали жорий этилмоқда. Мамлакатда беш мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолият юритмоқда. Жамият ва давлат қурилиши соҳасида сиёсий партияларнинг роли сезиларли даражада ошди. Мустақил оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ривожланиб бормоқда. Улар аҳолининг сиёсий, ижтимоий фаоллигини ошириш, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишнинг қудратли омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнининг изчил амалга оширилиши инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг муҳим кафолатига айланди. Ўзбекистонда жиноятларнинг таснифланиши тўла ўзгартирилди. Бунда оғир жиноятлар тоифасига кирувчи жиноий хатти-ҳаракатлар рўйхати сезиларли даражада қисқартирилди.

*(Давоми 2-бетда).*

## Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Ҳамза туман маданият ва спорт ишлари бўлимида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан ўтказилган маънавий-маърифий тадбир «Гулла, яшна она шаҳрим» деб номланди.

● **КЕЧА** мактаб ўқувчилари ўртасида кимё фани бўйича ташкиллаштирилган халқаро 42-Менделеев олимпиадаси қатнашчилари Тошкентдан Бухорои шарифга экскурсия қилишди.

● **БУГУН** Миробод туманидаги 124-мактаб-интернатда туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан «Хотира уйғонса гўзалдир» мавзуида тобора яқинлашиб келаётган 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган тадбирда тарбияланувчилар ва тарбиячилар иштирок этишди.

● **КЕЧА** «Dedeman silk Road» меҳмонхонасида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар санитария-эпидемиология назорати хизмати шифокорлари иштирокида ўтказилган анжуман юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш чора-тадбирларига бағишланди.

● **ЁШЛАР** йили муносабати билан Ҳамза туманидаги 444-мактабда ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида «Ёшлар марафони» тадбири уюштирилди.

● **КЕЧА** «Динамо» спорт мажмуасида эркин кураш бўйича ўтказилаётган Ўзбекистон чемпионати мусобақалари ниҳоясига етди.

*(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).*

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар



**ШАҲРИМИЗДАГИ «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»НИНГ МАРКАЗИЙ ПАВИЛЬОНИДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА БИРИНЧИ МАРТА «РЕСПУБЛИКА ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ЛОЙИҲАЛАР ЯРМАРКАСИ» ИШ БОШЛАДИ. УЧ КУН ДАВОМ ЭТАДИГАН МАЗКУР ЯРМАРКАНИНГ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ ҲАМДА РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИДИР.**

*Кўргазмалар*

## ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ЛОЙИҲАЛАР

Мазкур кенг кўламдаги ярмаркада Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимлари, «Ўзбекенгилсаноат» Давлат акциядорлик компанияси, Республика Соғлиқни сақлаш, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, олий ўқув юртлари, ташкилот, муассасаларнинг юздан ортиқ илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик бюролари ва кичик инновацион корхоналар 600 тадан ортиқ истиқболли илмий ишланмалар, технологиялар, лойиҳа ҳамда ғоялар билан қатнашмоқдалар.



Саноат: энергетика, машинасозлик, асбобсозлик, қазиб олиш тармоғи, хавфсизликни таъминлаш, янги материаллар ҳамда замонавий технологиялар; қишлоқ хўжалиги — селекция ва уруғчилик, геном технологиялар, экология ва агрокимё, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, фан ва таълим, ахборот технологиялари йўналишларида тайёрланган кенг, қулай, катта стендлар, етакчи мутахассисларнинг иштироки кўргазмага келганларга манзур бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, ушбу ярмаркани ўтказишдан кўзланган мақсад инновацион ғоялар ва лойиҳаларнинг тақдимотини ташкил этиш, жумладан саноатимизни ривожлантириш йўлида фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш ҳамда бу борада маблағларни мужассамлаштириш; илмий-амалий тадқиқотлар натижаларини ишлаб чиқаришга самарали жорий этиш, корхоналарнинг технологиялари ва маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлаб, экспортни амалга ошириш бўйича тармоқлараро алоқаларнинг кенгайиши; мустаҳкамланишига, банд бўлмаган аҳолига янги иш ўринлари яратиш, уларнинг саломатлигини яхшилашга кўмаклашишдан иборат.

Бундан ташқари, корхона ва ихтисослашган фирмаларнинг илмий техника соҳасидаги инновацион фаолиятини ривожлантиришга ёрдамлашиш, шунингдек, бюджетдан ташқари молиявий маблағларни тўплаш, инновацион маҳсулотлар яратиш, уларнинг ички бозоримизда муқим ўрин эгаллашига эришиш кўзда тутилган. Асосийси, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда юртимизда иқтисодиётни ривожлантириш учун инвестициялар жалб қилиш, инновацион ривожлантиришни рағбатлантиришнинг амалий механизмларининг жумладан, инновация ишланмаларни кредитлаш тизимини яратишни ҳам амалга ошириш мақсад қилинган.

Республикамизнинг илмий салоҳиятидан иқтисодиётимиз ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишда кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ярмарка доирасида «Камолот» ЁИҲ кенгашлари, «ЭКОСАН» ташкилотининг ёшлари билан Ёшлар йилига бағишланган ҳамда «Ўзбекистонда инновацион тараққиёт: муаммо ҳамда истиқбол» мавзуида давра суҳбатлари ўтказилди.

Ушбу тадбир амалий фаннинг иқтисодиётимиз реал сектори билан кооперациясининг ёрқин намунасига айланди. Барча тармоқларни янада инновациявий ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Юртимизнинг илмий-техника ва ишлаб чиқариш салоҳиятини юксалтиришга кўмак беради.

Ярмарканинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Қосимов, Э.Шоисматов иштирок этишди.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТЛАРДА: ярмаркадан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

## ИЖОДКОР ЁШЛАР ФОРУМИ

**ПОЙТАХТИМИЗДА "ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИГИ ЖУРНАЛИСТИК ИННОВАЦИЯЛАР ОБЪЕКТИ ВА СУБЪЕКТИ СИФАТИДА" МАВЗУИДА ЁШЛАР МЕДИА-ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Тадбир Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси томонидан "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ва БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг (UNFPA) мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда республикамизнинг турли ҳудудларидаги "Ижодкор ёшлар" телестудияларида фаолият юритаётган ёш журналистлар, оператор ва монтажчилар, жамоат муассасалари ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдухолиқов мамлакатимизда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда ёшларга жамият таянчи, давлатимиз келажаги сифатида қаралади. Ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши, уларда Ватанга садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини кучайтириш ҳамда жиноий гуруҳлар, зарарли оқимлар ва ғаразли ғоялар таъсирига тушиб қолишдан асраш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини оширишда, маънавий баркамолликка эришишини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. Бугунги глобаллашув жараёни журналистлардан барча соҳа ва йўналишларда пухта билим, соғлом ва теран тафаккур соҳиби бўлишни, ўз касби сир-асрорларини чуқур ўзлаштиришни талаб этмоқда. "Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида жойларда ташкил этилган "Ижодкор ёшлар" телестудиялари ҳам уларнинг касб маҳоратини ошириш, тажриба алмашишларига хизмат қилмоқда.

Тадбирда "Ижодкор ёшлар" телестудиялари фаолиятини янада такомиллаштириш, ёш ижодкорларнинг билим ва малакасини ошириш, дунёқарашини бойитишга оид масалалар таҳлил қилинди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири**

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Чирчиқ шаҳридаги «Олмос» спорт-соғломлаштириш мажмуида Мудофаа вазирлиги қўшинларининг ҳарбий-амалий ва Олимпия спорт турлари бўйича учинчи «Умумармия ўйинлари» тантанали равишда очилди. 7 майга қадар давом этадиган «Умумармия ўйинлари»да жамоалар ҳарбий учкураш, офицерлар учкураши, кураш, ҳарбий спорт мажмуига кирувчи кўпкураш, қўл жанги, енгил атлетика, тош кўтариш, волейбол бўйича ўзаро беллашадилар.**

● **Фарғона шаҳридаги Олимпия заҳиралари коллежида саноат маҳсулотлари ярмаркаси ўтказилди. Унда вилоятдаги юздан зиёд товар ишлаб чиқарувчи субъектлар иштирок этди.**

● **Андижон туманидаги Завроқ иқтисодий коллежида «Адолат» социал-демократик партияси вилоят ва туман кенгаши, туман прокуратураси ҳамда Бандликка кўмаклашувчи маркази билан ҳамкорликда касблар фестивали ва бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Тадбир давомида янги объектларни ишга тушириш, ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, касаначилик ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.**

● **«Камолот» ЁИҲ Сирдарё вилояти кенгаши халқ таълими ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари, Гулистон Давлат университети ва вилоят телерадиокомпанияси билан биргаликда Гулистон болалар мусиқа мактабида «Сиз тарихни биласизми?» кўрик-танловини ўтказди.**

● **Риштон туманида «Фарғонаавтотеххизмат» акциядорлик жамияти томонидан автомобилларни таъмирлаш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш мажмуаси ишга туширилди. Мажмуа энг замонавий ускуналар билан жиҳозланиб, унда 20 нафар ёш иш билан таъминланди.**

● **Нукус шаҳрида ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида шу ойда Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб ўтадиган «Баркамол авлод —2008» спорт мусобақаларида иштирок этувчи жамоалар ўртасида қуръа ташлаш маросими ўтказилди.**

● **Шаҳрисабз шаҳрида «Тасвирий санъат ҳафталиги» доирасида Ёшлар йилига бағишлаб «Мўйқаламда—Ватан жилоси» номли ёш рассомлар фестивали бўлиб ўтди.**

● **Хоразм вилояти телерадиокомпаниясининг моддий-техник базаси яхшиланиб, телекўрсатувлар алоҳида — 47-канал орқали эфирга узатила бошланди.**

● **Бекобод шаҳар ижтимоий-таъминот бўлими соғлиқни сақлаш бўлими билан ҳамкорликда шаҳардаги ёлғиз пенсионерлар, ногирон кекса ва болаларни тиббий кўрикдан ўтказди.**

### ЖАҲОНДА

● **Зимбабведа шу йилнинг 29 март куни бўлиб ўтган президент сайловларининг натижалари қайта кўриб чиқилмоқда. Зеро, мухолифат ҳукуматни сайлов натижаларини сохталаштирганликда айбламоқда. Овозларни қайта санаб чиқиш жараёни яна бир ҳафта давом этади.**

● **Боливия Президенти Эво Моралес ярмиси Telecom Italiya компаниясига тегишли бўлган Entel телекоммуникация компанияси ҳамда Англия ва Испания компанияларининг улуши бўлган тўртта нефть-газ компаниясини давлат тасарруфига ўтказишга қарор қилди.**

● **Брюсселдаги «Ренессанс» меҳмонхонасининг тантаналар залида «Иқтисодиёт соҳасидаги тадқиқотлар ва халқаро илмий ҳамкорликка қўшган ҳиссаси учун номли» Европа мукофотини топшириш маросими бўлиб ўтди.**

● **Ироқнинг собиқ президенти Саддам Ҳусайн даврида мамлакат вице-президенти ва ташқи ишлар вазири бўлган Тарик Азиз устидан суд жараёни бошланди. У 1992 йили Ироқнинг Кувайтга бостириб киргани туфайли БМТ томонидан қўлланилган халқаро санкция пайтида озиқ-овқат маҳсулотлари баҳосини кўтаришга уринган 42 нафар корчалонни қатл этганликда айбланмоқда.**

● **АҚШнинг Техас штатидаги мамлакат ҳарбий ҳаво кучлари базасида товушдан тез учувчи самолётнинг ҳалокатга учраши натижасида икки учувчи ҳаётдан кўз юмди.**

● **Жаҳон бозорларида буғдойнинг нархи кейинги беш ой ичидаги энг паст даражага тушди.**

● **Кеча Бағдод шаҳрида амалга оширилган иккита террорчилик ҳаракати оқибатида 35 киши ҳалок бўлди, 65 киши эса турли даражадаги тан жароҳатларини олди.**

● **Кеча Туркия армияси Ироқ шимолидаги курд айирмачилари жойлашган манзиллар бўйлаб авиазарбалар берди.**

● **Канадада хоккей бўйича жаҳон чемпионати баҳслари бошланди.**

● **Эроннинг ғарбий қисмида Рихтер шкаласи бўйича 4,7 баллик зилзила содир бўлди. Ер силкиниши натижасида Эроннинг учта йирик шаҳри зарар кўрган бўлиб, зилзила маркази Теҳрондан 350 километр узоқликда жойлашган йирик саноат маркази Нуристон музофотининг Боруджерд шаҳрига тўғри келган.**

● **Кеча Россиянинг «Зенит» командаси Германиянинг «Бавария» жамоаси устидан 4:0 ҳисобида ғалаба қозонган ҳолда УЕФА Кубоги финалига чиқди.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми.Боши 1-бетда).*

адвокатурани янада ривожлантиришга, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда унинг обрў-эътибори ва аҳамиятини оширишга кўмаклашиш;

аҳолининг ҳуқуқий билими ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга ошириш;

ислоҳотларнинг қонунчилик базасини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, ҳуқуқий тартибга солишнинг яхлитлигини ҳамда қонунчилик нормаларининг бир хилда қўлланилишини таъминлаш бўйича таклифлар киритиш;

адвокатура фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, улар бўйича таклифлар тайёрлаш;

адвокатларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг вакили сифатида қатнашиш, шу жумладан судда ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан бўлган муносабатларда;

адвокатларни уларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган таъқиблардан, чеклашлар ва тажовузлардан ҳимоя қилиш чораларини кўриш;

адвокатларни касбий тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини ташкил қилиш;

республика туман ва шаҳарларида юридик маслаҳатхоналар ташкил этиш йўли билан аҳолининг юридик ёрдамга бўлган талабини қондириш;

адвокатура фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларни тўплаш ва ўрганиш, адвокатларнинг ижобий иш тажрибасини оммалаштириш, адвокатлик тузилмаларига услубий ёрдам кўрсатиш;

адвокатлар томонидан қонунчиликка ва касб этикаси қоидаларига риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш.

4.Белгиласинки, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси:

юридик шахс мақомига эга нотижорат ташкилоти ҳисобланиб, ўзининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тузиладиган ҳудудий тузилмалари билан биргаликда адвокатуранинг ягона ўзини ўзи бошқариш тизимини ташкил этади;

адвокатларнинг қонунчиликка мувофиқ амалга ошираётган фаолиятига аралашмаслик тамойили асосида фаолият кўрсатади;

адвокатлар томонидан тўланадиган кириш ва аъзолик бадаллари ҳамда қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади;

Ўзбекистон Адвокатлар ассоциациясининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

5.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

икки ҳафта муддатда ушбу Фармонни бажариш ва Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасини тузишнинг ташкилий масалаларини ҳал қилиш чора-тадбирлари тўғрисида Ҳукумат қарорини қабул қилсин;

икки ой муддатда адвокатура институтининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги ҳамда "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутган қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатасига киритсин.

6.Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига адвокатлар томонидан фуқароларнинг айрим тоифаларига кўрсатилган ҳуқуқий ёрдам учун давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш механизмини қайта кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритсин.

7.Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8.Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Б.Абдуллаев зиммаларига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2008 йил 1 май*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми.Боши 1-бетда).*

Натижада 2007 йилда озодликдан маҳрум қилиш шаклидаги жазо қўлланилган шахслар сони 2000 йилдагига нисбатан 2 баробардан кўпроқ қисқарди. Ўзбекистонда ҳар юз минг аҳолига 138 нафар маҳбус тўғри келади, бу дунёнинг энг ривожланган давлатларидагидан анча камдир.

Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, судлар томонидан фуқаролар ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари изчил жорий этилмоқда. Судлар жиноий, фуқаролик, хўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилди, суд ишларини апелляцион ва кассацион кўриб чиқиш институтлари, ярашув институти жорий қилинди. Прокурор ва адвокат ҳуқуқларининг тенглигини таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда 2008 йил январидан ўлим жазосининг бекор қилиниши, ҳибсга олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Мамлакатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлигида инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича махсус тузилган бўлинмалар каби инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими яратилган ва улар фаол ишламоқда.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида узлуксиз таълим ва маърифий ишлар тизими шакллантирилган. Ҳуқуқ ҳимояси мавзуида йигирмадан зиёд ихтисослаштирилган журнал ва газеталар кўп минг нусхада чоп этилмоқда, барча мактаб, коллеж ва лицейларда, олий таълим муассасаларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари ўрганилмоқда.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини изчил ва қатъий бажариб келмоқда, бу масалалар бўйича БМТнинг тегишли конвенциявий органларига доимий равишда ўзининг миллий ҳисоботларини ўз вақтида тақдим этмоқда. Уларнинг тавсияларини бажаришда давлат идоралари, фуқаролик жамияти институтлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари ва бевосита фуқаролар иштирок этмоқда.

БМТ Бош котибининг инсон ҳуқуқлари куни муносабати билан йўллаган Баёнотномасини қўллаб-қувватлаб, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий, қонунчиликка оид чора-тадбирлар тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1.Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури 1- иловага мувофиқ маъқуллансин.

Инсоният тараққиётининг энг эзгу мақсадлари ва демократик қадриятлар тимсоли бўлган ғоят муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжат — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган тадбирларда давлат ташкилотлари ва муассасалари, жамоатчилик бирлашмалари, оммавий ахборот воситаларининг фаол иштирок этиши энг муҳим вазифа деб ҳисоблансин.

2.Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастурини амалга ошириш бўйича Махсус комиссия таркиби 2- иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар Махсус комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

давлат идоралари ва муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастурида кўзда тутилган тадбирларни амалга оширишга доир фаолиятини мувофиқлаштириш;

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар, мамлакатимизда инсон манфаатларини кўзлаган ҳолда унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида демократик социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида амалга оширилаётган салмоқли ишлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш;

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган халқаро тадбирларда Ўзбекистон вакилларининг фаол иштирок этиши борасида халқаро ташкилотлар, аввало, БМТ муассасалари билан яқин ҳамкорликни таъминлаш.

3.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати, Вазирлар Маҳкамаси 2008-2009 йилларда фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш ва кўриб чиқиш, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган қонун ҳужжатларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширсин.

4.Адлия вазирлиги Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика "Маънавият ва маърифат" кенгаши ҳузуридаги Маънавият тарғибот маркази билан биргаликда 2008 йил давомида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг асосий қоидаларини, фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича миллий қонунчилигимиз асосларини очиб беришга бағишланган рисолалар, ўқув қўлланмалари, ижтимоий-сиёсий материаллар чоп этилиши ва аҳоли орасида кенг тарқатилишини таъминласин.

5.Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда:

етакчи мутахассислар ва олимларни жалб этган ҳолда, таълим муассасаларида ва ёшлар орасида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг янги жамият барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур социал, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий шароит яратиш, Ватанимиз хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлаш бўйича давлат сиёсатини чуқур ўрганишга доир давра суҳбатлари, семинарлар, маърузаларни тизимли асосда ташкил этсин;

2008 йил 10 декабрда мамлакатимиздаги барча мактаблар, лицейлар, коллежлар, олий ўқув юртларида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган умуммиллий дарс ўтказсин.

6.Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси талабларидан келиб чиққан ҳолда, журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича олий таълим муассасаларининг ўқув режаларига инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда оммавий ахборот воситалари иштирок этишининг миллий ва хорижий тажрибасини ўрганишни назарда тутадиган махсус ўқув дастурлари киритилишини таъминласин.

7.Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ билан биргаликда уч ойлик муддатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлигида ташкил этилган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича бўлинмалар фаолиятини танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилсин ва унинг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида таклифлар киритсин.

8.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ва бошқа институтларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг самарали ишлаши учун зарур бошқа шарт-шароит яратишга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва 2008 йилда амалга оширсин.

9.Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг мурожаатини эътиборга олиб, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси асосий мақсадларини амалда рўёбга чиқаришда БМТ саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш учун БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси махсус жамғармасига Ўзбекистоннинг ихтиёрий бадали сифатида юз минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратсин.

10.Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастурининг амалга оширилишини ҳар томонлама ёритиш бўйича тематик кўрсатувлар ҳамда мақолалар ташкил этсин.

11.Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2008 йил 1 май*

*2008 – Ёшлар йили*

# ИХТИРОЧИЛАР БАҲСИ

**ПОЙТАХТИМИЗДА "ЁШЛАР ЙИЛИ" ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА ЎТКАЗИЛГАН УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ "ИЖОДКОР-ИХТИРОЧИ" РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ ЯКУНЛАНДИ.**

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Республика ўқувчилар техник ижодиёт маркази, Тошкент ахборот технологиялари университети, Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати "Камалак" болалар ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси ҳамкорлигида ташкил этилган ижодий беллашувда танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичи ғолиблари иштирок этди.

Юртимизда бир неча йилдан буён ўтказиб келинаётган ушбу танлов илм-фаннинг турли йўналишларида изланишлар олиб бораётган ўқувчиларни аниқлаш, мактабдан ташқари таълим масканларининг фаолиятидаги илғор иш тажрибасини оммалаштириш имконини бермоқда.

Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги 49-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Дилшода Суюнованинг кўзи ожизлар учун тайёрлаган глобуси, Самарқанд шаҳридаги 14-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Достон Йўлдошевнинг қурилиш материаллари ташишга мўлжалланган мўъжаз юк вагонлари энергияни кам сарфлаши, самарадорлиги, техника хавфсизлиги талабларига жавоб бериши, илмий асосланганлиги билан юқори баҳоланди.

Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 3-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Фарҳод Турсунбоев яратган мобиль сигнализация қурилмаси, Бухоро вилояти Вобкент тумани 21-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Шокир Хайруллаевнинг нефть маҳсулотларидан бензин олиш ускунаси, Ромитан туманидаги 7-мактабнинг 6-синф ўқувчилари Жасур Акромов ва Ҳасан Ҳудоёровнинг вакуум асосида ишлайдиган сув тортиш насоси ҳамда қўрғошин пайвандлагич ускунаси ҳам кўпчилик эътиборини тортди.

Олти нафар ўқувчи танловда турли йўналишлар бўйича биринчи ўринни олди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ЁШЛАР СТУДИЯЛАРИГА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

**"ШОДЛИК ПАЛАС" МЕҲМОНХОНАСИДА "ЁШЛАР СТУДИЯЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ЁШЛАР ОРАСИДА СОҒЛОМ ҲАЁТ ТАРЗИНИ КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИШ" МАВЗУСИДА СЕМИНАР-ТРЕНИНГ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Унда вилоятлардаги ёшлар студияларининг ёш журналистлари, оператор ва монтажчилар, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари марказининг оммавий ахборот воситалари йўналишлари етакчилари ҳамда Ахборот маркази лойиҳасида иштирок этувчи ҳудудий журналистлар иштирок этди.

Семинарда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Фирдавс Абдухолиқов, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси UNFPA ваколатхонасининг репродуктив саломатлик бўйича миллий маслаҳатчиси Феруза Фозилова сўзга чиқиб, мамлакатимизда ёшларга ўзларини намоён этишларида жуда кенг имкониятлар яратиб берилаётганлиги, уларнинг порлоқ келажаги учун юксак ишонч билдирилаётгани алоҳида таъкидланди. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида шу мақсадга йўналтирилган ёшлар студияларининг фаолият кўрсатаётгани бунинг ёрқин далилидир.

— Ушбу тадбирда Хоразм вилояти номидан иштирок этяпман, — дейди Гулруҳ Маткаримова. — Мен "Келажак овози" ёшлар ташаббуслар марказининг вилоятдаги фаолиятини ёритиб бораман. Мақсадим узоқ вилоятда туриб ҳам ўз сўзимни айта олиш, жамиятимизда юз бераётган бунёдкорлик ишларида минг сонли ёшлар қаторида иштирок этишдир.

Икки кун давом этадиган ушбу семинарнинг биринчи кунида ташриф буюрганлар учун тажрибали мутахассислар, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси тренери Альфия Харченко ва Ахборот маркази ижодий продюсери томонидан ахборотни излаш, топиш, таҳлил қилиш борасида назарий машғулотлар ўтилди.

Семинарнинг иккинчи кунида иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, шаҳардаги турли объектларга чиқишлари, тасвирга олиб ахборотлар тайёрлашлари режалаштирилмоқда. Шунингдек, уларга ўзлари тайёрлаган ахборотларининг монтажларида бевосита қатнашиш имкони берилади.

**Рахшона ТОШПЎЛАТОВА,**
**"Туркистон-пресс"**

# "КАПИТАЛБАНК"НИНГ ЯНГИ ФИЛИАЛИ

**ПОЙТАХТИМИЗДА "КАПИТАЛБАНК" АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ ЯНГИ "СЕРГЕЛИ" ФИЛИАЛИ ИШ БОШЛАДИ.**

Энди ушбу молия муассасаси филиаллари сони еттитага етди. Банкнинг филиаллари нафақат Тошкентда, балки вилоятларда ҳам жойлашган бўлиб, мижозларга илғор технологиялар асосида юқори даражада хизмат кўрсатишда муҳим ўрин тутмоқда.

Банк ўз филиаллари ва мини-банкларни очиш орқали кўрсатиладиган хизматлардан кўпроқ одамлар фойдаланиши, вақт ва маблағ сарфини камайтириш мақсадида ўз фаолияти кўламини кенгайтирмоқда.

**Ю.ГУСЕВА,**
**ЎзА мухбири**

*Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан*

**ПОЙТАХТИМИЗНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ҚАРОРИ БУТУН ХАЛҚИМИЗ, АЙНИҚСА ЁШЛАРНИ ЧЕКСИЗ ТЎЛҚИНЛАНТИРИБ ЮБОРДИ. ЗЕРО, ШАҲРИ АЗИМДАГИ МАВЖУД ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИДА БИЛИМ ОЛАЁТГАН КЎПЛАБ ТАЛАБА-ЁШЛАР ЯРАТИЛАЁТГАН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАРДАН БЕҲАД МИННАТДОРЛАР.**





# ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ ТУЗИЛДИ

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча гўшаларида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан ташкил қилинаётган турли хил учрашувлар, давра суҳбатларида пойтахтимизнинг ўтмиши ва бугуни ҳақида маърузалар тингланмоқда. Жумладан шаҳримиздаги 1-Республика тиббиёт коллежида ҳам Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини муносиб кутиб олишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда таниқли шоир ва ёзувчилар, «Камолот» ЁИҲ Чилонзор туман Кенгаши вакиллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори ва мазкур коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этишди.

Давра суҳбатида Чилонзор тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Муаттар Содиқова сўз олиб Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги ЮНЕСКО ва Президентимиз Қарорлари ҳақида тўхталиб, мазкур юбилейни нишонлашга тайёргарлик кўриш, уни ўтказиш тўғрисида барча ўқув муассасаларида чора-тадбирлар режаси тузилганлиги ва ушбу режа асосида илмий-амалий анжуманлар, давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар ўтказилиб бораётганлигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, Тошкент шаҳрининг миллий давлатчилигимиз тарихида тутган ўрни, бой маданий мероси ва тарихий обидалари, ёдгорлик ва зиёратгоҳлари ҳамда мустақиллик даврида бунёд этилган иншоотлар ҳақида маълумотлар бериб ўтди. Тадбирда иштирок этган Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид ёшларнинг юртимиз тараққиётида асосий куч эканлиги ва давлатимиз раҳбарияти томонидан уларга яратилаётган кенг имкониятлар ва шароитлар ҳақида гапириб, Тошкент ҳамиша тинчлик, фаровонлик, дўстлик ва биродарлик шаҳри эканлигини, ҳар биримиз шу юртнинг фарзанди эканмиз,уни кўз қорачиғидек асраш, тараққиётига муносиб ҳисса қўшишимиз зарурлигини қайд этди. Ўзбекистон телерадиокомпанияси «Ёшлар» телеканали муҳаррири, шоир Ғайрат Мажид ҳам ўз сўзида ёшларимизнинг жамиятда тутган беқиёс ўрни ҳақида фикрларини баён этиб, ўз ижод намуналаридан ўқиб берди. Шунингдек, тадбир якунида сўзга чиққан Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, Республика нафис санъат лицейи ўқувчиси Юлдуз Файз эришган ютуқлари, олиб борган изланишлари ҳақида тенгдошларига жўшқинлик ва фахр билан гапириб, ўқувчилар томонидан берилган саволларга тўлиқ жавоб қайтарди. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни нишонлаш борасида ёшлар ҳам ўзларининг катта ҳиссаларини қўшишлари лозимлигига тўхталиб ўтди.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТДА: 1-Республика тиббиёт коллежида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар.**
**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

# ТАНЛОВ ТАҚДИМОТИ ЎТКАЗИЛДИ

**ҲАМИША НАВҚИРОН ВА ГЎЗАЛ ПОЙТАХТИМИЗНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН ЖОЙЛАРДА ТУРЛИ ХИЛ ТАНЛОВЛАР, УЧРАШУВЛАР, ФЕСТИВАЛЛАР БЎЛИБ ЎТМОҚДА. «ЭКОСАН» ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ «ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА АСОСАН ПОЙТАХТДАГИ КЕНГ КЎЛАМЛИ БУНЁДКОРЛИК, ТАЪМИРЛАШ ВА ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАҚСАДИДА «МЕНИНГ УЙИМ-МЕНИНГ ШАҲРИМ» ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛГАН ЭДИ.**

Яқинда Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрида мазкур танловнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда «Экосан» халқаро ташкилотининг раиси Юсуф Шодиметов, «Махсустранс» ишлаб чиқариш корхонаси бош муҳандиси Маъруф Усмонов сўзга чиқиб, ушбу танловни ўтказишдан мақсад ободонлаштириш, уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси, махсустранс соҳа ишчи-хизматчиларининг меҳнат унумдорлигини ошириш ва рағбатлантириш, шаҳримизнинг асосини ташкил қилувчи кўп қаватли уйларнинг санитар-гигиеник ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва таъмирлаш-тиклаш ишларида кенг жамоатчиликнинг, айниқса ёшларнинг иштирокини фаоллаштиришдан иборат эканлигини таъкидлашди.

Тадбирда таъкидланганидек, пойтахтимиз юбилейига бағишланган кўрик-танлов уч мезон асосида, яъни «Менинг уйим- менинг шаҳрим», «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш соҳасидаги энг ибратли жамоа» ва «Махсустранснинг энг яхши экипажи» мезонлари асосида ташкил қилинди. Танловнинг «Менинг уйим-менинг шаҳрим» мезонида Тошкент шаҳридаги барча уй-жой мулкдорлари ширкатлари иштирок этади ва «Энг намунали подъезд», «Энг намунали кўп қаватли уй», «Энг обод ҳовли (майдон)» номинациялари бўйича ғолиблар аниқланади. Танловнинг «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш соҳасидаги энг ибратли жамоа» мезонида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бош бошқармаси тасарруфидаги туман ободонлаштириш бошқармаси ва махсус ирригация тармоқлари, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш жамоалари иштирок этадилар. Шунингдек, танловнинг «Махсустранснинг энг яхши экипажи» мезонида шаҳар «Махсустранс» ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли барча автокорхона экипажлари иштирок этади. Танлов ғолиблари Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантана арафасида, низом шартларига асосан Наврўз байрами кунларида эълон қилинади ва ташкилотчилар томонидан Диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланадилар.

Шу куни тақдимот маросимида «Экология ва саломатлик кунлари» доирасида ташкил этиб келинаётган «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш соҳасидаги энг ибратли жамоа» ва «Махсустранснинг энг яхши экипажи» кўрик-танловларининг 2007 йил бўйича ғолиблари эълон қилинди ва «Экосан» халқаро ташкилоти томонидан муносиб тақдирландилар.

**Гулором ҲАМИДОВА**




# СОВҒА
## Интермедия

**Ҳашаматли хона. Бойбўта хонтахта ёнидаги оромкурсида ўтирибди.**

Бойбўта—(хонага кирган Ҳалимага) Қалам-қоғоз ол.

Ҳалима— Ёзув-чизувингиз борми?

Бойбўта— Эртага туғилган куним. Айтиладиган меҳмонлар рўйхатини тузиб қўяйлик.

Ҳалима (қоғоз-қалам олиб) Қани бошланг.

Бойбўта (ўйланиб) Хўш, кимларни таклиф қиламиз?

Ҳалима—Адаси, одамни кўпайтирманг. Оз бўлсину олиб келадиган совғалари соз бўлсин (кулади).

Бойбўта—Ичимсан хотин, ичимсан. Ёз, Обид пўкон.

Ҳалима— Обид дўкон денг.

Бойбўта— Обиднинг иккита лақаби бор. Бири пўкон, бири дўкон.

Ҳалима — (кулиб) Э, ҳа қоринлари каттада-а. Обид ака ўтган йили импортний костюм-шим олиб келган эдилар.

Бойбўта— Қўли очиқ, мард одам...- Хўш...Ёз! Субхон Султонов.

Ҳалима —Э...Қўйинг, ўшани.

Бойбўта — Ҳим... Қуруқ келганмиди?

Ҳалима— Эллик доллар бериб, менга юз долларлик иш орттириб кетган. Башаранг қурғур невараси бирам очкўз бола эканки...Дастурхонда на писта қолган, на бодом. Униям қўяверинг, бир коса шўрвани тўкиб юборган. Гиламни тозалагунимча она сутим оғзимга келган.

Бойбўта — Қўявер хотин, ўтган сафар эллик берган бўлса, бу сафар юз беради. Ҳозир Субхон гуриллаб кетган.

Ҳалима— (ёзишга киришиб) Ишқилиб... неварасини олиб келмасинда. Яна кимни айтамиз?

Бойбўта - Саъдулла маҳдумни...

Ҳалима- Жа, қурумсоқ одам-да, ёзавераймй? Ўтган йили тўртта китоб кўтариб келган. Унинг ўрнига Алижонни айтақолайлик, бағри кенг танти йигит.

Бойбўта—Уни айтмаймиз иши судга оширилган... Қуруқ келсаям майли, Саъдулла домлани айтамиз. Бу йил кенжатойимиз институтга киради-я...

Ҳалима — Вой эсим қурсин, буёғини ўйламапман. Яна кимни?..

Бойбўта — Энди Жабборали, ёз.

Ҳалима — Уни айтманг.

**Энди уйга кирмоқчи бўлиб турган Жабборали бу гапни эшитиб, остонада туриб қолади.**

Бойбўта— Нега?

Ҳалима— Мени меҳмонлар олдида мулзам қилган. Хотини ўлгур бирам заҳар, бирам қўполки, ўтган йил Мадонна чойнагимни синдириб кетган, ҳали-ҳали ачинаман. Ундан кейин Жабборалиям пичинг қилиб гапирадиган бўлиб қолган. Бир кун менга нима дейди денг...

Бойбўта— Нима дейди?

Ҳалима— Келинойи қази парраклашни сизга чиқарганда, паррак деганни пиёзнинг пўсти қилиб юборибсизку, дейди-я. Шундоқ дейиши билан бир уй одам қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборса бўладими?

Бойбўта— Шунақа деган бўлса, бизни зиқна, пасткаш одамга чиқариб қўйибди-да. Бўлди, айтмаймиз. Ўзи шу йигит менгаям ёқмай қолган.

Жабборали— (кириб) — Ассалому алайкўм!

Бойбўта— (қучоқ очиб) —Э-ей Жабборали ука, бормисан? Қайси шамол учирди?(кўришадилар)

Жабборали— (қўлидаги катта қутини хонтахтага қўйиб) — Тўсатдан чет элга кетадиган бўлиб қолдим. Қадрдонлар билан хайрлашай,сизни туғилган кунингиз билан табриклай деб келдим.

Бойбўта— (унинг кифтига қоқиб) Яша, ука,яша! Ҳозиргина сизларни эслаб турган эдик...(совғани кўзда тутиб) Нима қилиб овора бўлиб юрибсан. Қуруқ келсангам бошимиз осмонга етади...

Ҳалима — Бўлмасачи...Нафисахонниям олиб келмабсизда ўргилай. Хўп дилдор хотинингиз бор-да.Гапирса тилидан бол томади-я...

Бойбўта—Одобини айтмайсанми?

Жабборали— Бойбўта ака, нечта тилингиз бор?

Бойбўта— (ҳайрон) Битта...Ие,бу нима деганинг?

Жабборали— (Ҳалимага) Сизникичи?

Ҳалима— Меникиям битта.

Жабборали— Йўқ, сизларда иккитадан тил бор. Ҳамма гапларингизни эшитдим... Нафиса заҳар экан, қўпол экан, нега унинг атрофида айланиб-ўргиласиз? Олиб келган совғалари учунми? Битта чойнагингизни синдирган экан, айтсангиз ўнта қилиб қайтарар эдик. Бизнинг битта чойнакчалик қадримиз йўқ экандаа.(Бойбўтага) Сизга ёқмай қолганим жуда яхши бўлибдида. Афсус, мен сиз мунофиқларни одам деб юрибман-а.(кета бошлайди)

Ҳалима —Вой одам бўлмай ким эдик?

Жабборали— Э, сатқайи одам кетинглар-ей! Дили бошқа, тили бошқасизлар.(чиқади)

**Туроб АКБАРХЎЖАЕВ**

*Асалтойлар кулгуси*

## ШИРИН СЎЗ БИЛАН

Шифохонага кетаётган кенжа ўғлига онаси тайинлади:

— Ёнингда опанг бор. Доктордан чўчимагин. Доктор бирам ширин сўзки. Яхши даволайди.

— Ундай бўлса нима қиламан овора бўлиб. Ширин сўз билан ўзингиз даволай қолинг.

## МЕНИКИ ҲАМ ШУНЧА

Ака укасига қараб: «Битта кўйлакни сендан кўра ортиқ йиртганман. Иш буюрсам қайтармагин» деяверарди. Бир куни укасининг қайсарлиги тутди. Шох-шаббага кўйлагини илинтириб тортди.

— Нега атайин кўйлагингни тортасан? — ҳайрон бўлди акаси.

— Сиз қанча кўйлак йиртган бўлсангиз, меники ҳам шунча бўлди. Энди менга ҳадеб иш буюролмайсиз, — деди укаси.

## САВОБНИ БИЛАРМИШ

— Тарвузни шошилиб чала-чулпа ейсан. Одоб билан ёнингдагиларга қараб егин. Ҳар бир карч тарвузни тозалаб есанг савоб бўлади, — ўғлига танбеҳ берди ота.

— Савобни биламан адавой, ҳамма қўл артгач, чала карчларни тозалашга киришаман.

## ЎРТОҚ ЭКАН

Синфга янги ўқитувчи келгач, тоғаси Анвардан сўради:

— Қалай сенга пенсияга чиққан ўқитувчи яхши эдими ёки янги келганими?

— Мен учун янги келгани яхши бўлиши керак. Дадамларнинг ўртоғи экан, тоғажон.

**Ғани АБДУЛЛАЕВ**

# ХАНДАЛАР

Бир хонадонда зиёфат вақтида меҳмонлар зерикиб кетишибди. Бир бурчакда эснаб ўтирган аёлни кўриб, меҳмон ундан сўрабди:

— Зерикдингизми?

— Жуда ҳам.

— Бирор ёққа ғойиб бўлайлик бўлмаса.

— Кошки эди, лекин афсуски иложим йўқ.

—Нега?

— Мен уйнинг бекасиман.

* * *

Бошлиқ ёрдамчисига ўн дақиқалик маъруза ёзиб беришни буюрди. Маъруза тайёр бўлгач бошлиқ мажлисда уни ярим соат ўқиди. Эртасига ёрдамчисини койиди.

— Нега ўн дақиқалик десам, ярим соатлик маъруза ёздингиз?

—Кечирасиз шеф, учала нусхасини ҳам бериб юборибман.

* * *

Икки пиёниста учрашиб қолишибди. Бири иккинчисига дебди:

— Юр, бизникига, ичамиз.

Уйга келгач, уй эгаси секингина эшикни очибди.

— Ошхонага кир, фақат дамингни чиқарма, —дебди шеригига.

Аста совутгични очиб, бир шиша коньякни олибди. Дўсти бехосдан стаканни жаранглатиб юборибди.

— Жим.

—Намунча! Нимадан қўрқамиз?

— Нариги хонада хотиним хуштори билан ўтирибди.

— Ўтирса нима?

— Коньяк хушториники-да...

* * *

— Денгиз бўйида яхши дам олганинг кўриниб турибди. Лунжларинг тўлишиб, ранг кириб қолибди.

— Дам олиш қаёкда дейсан. Хотиним билан қайнонам учун резинка қайиқ ва тўшакларни пуфлаб шиширишдан бўшаганим йўқ.




# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## АБУ АЛИ ИБН СИНО

### ҲИКМАТЛАР

**Агар ҳавода чанг ва тутун бўлмаса эди, киши минг йил яшаган бўларди.**

* * *

**Соғлиқни сақлашнинг асосий тадбири бадантарбия бўлиб, кейин овқат ва ундан сўнг уйқу тадбиридир.**

* * *

**Жисмоний машқлар билан доимо мўътадил шуғулланиб борган киши ҳеч қандай давога муҳтож бўлолмайди.**

* * *

**Бадантарбия соғлиқни сақлашда улуғвор усулдир.**

* * *

**Бадантарбия билан машғул бўлмай қўйган киши тез-тез касалга чалиниб туради, чунки ҳаракатсизлик натижасида кишининг аъзолари заифлашади.**

* * *

**Бадантарбияга одам иш жараёнида қилинадиган ҳаракатлар ва махсус бадантарбия ҳаракатлари киради.**

* * *

**Уқалаш тўрт хил бўлади: гавдани бақувват қилувчи – кучли, гавдани юмшатувчи – кучсиз, оздирувчи – давомли, гавдани ўстирувчи – ўртача бўлади.**

* * *

**Уқалашни қаттиқ ва дағал ҳаракатлари билан тамомламаслик керак, чунки у ҳолда аъзолар қотади, бола эса ўсишдан тўхтайди. Аммо балоғатга етган кишиларга бунинг зарари унча эмас.**

* * *

**Баданнинг ташқи кўриниш офатлари ўтакетганориқлик ва ўтакетган семизликдир.**

* * *

**Билгинки, фаровонлик йилларида кўп еб, қаҳатчилик йилларида оч туришдан ва бунинг аксидан ёмонроқ ҳолат йўқдир.**

* * *

**Иссиқ шамол вақтида кимки ташна бўлса, оғзини сув билан чайқаш кифоя қилади, тўйиб ичмайди, тўйиб ичса ётган жойида ўлади.**

* * *

**Совуқда сафар қилувчи киши йўлда оч бўлмаслиги керак. У тўйгунча овқат еб, сув ўрнига шароб ичсин. Булар қоринда жойлашиб қиздиргунча сабр қилиб, кейин йўлга чиқмоғи керак.**

* * *

**Ўсмирларда овқат талаб қилиш ва ҳазм кучлироқдир. Бу ҳам иссиқлик билан бўлади. Аммо иштаҳа иссиқлик билан эмас, балки совуқлик билан бўлади. Шунинг учун “ютоқиш” кўпинча совуқликдан пайдо бўлади.**

* * *

**Кўлмак сувлар қандай бўлишидан қатъий назар, меъдага мувофиқ келмайди.**

* * *

**Шимолда овқат яхши ҳазм бўлади ва кишилар узоқ умр кўрадилар. Тутқаноқ касали у ерларда учрамайди. У ерларда яралар жуда тез тузалиб кетади, чунки у ердагиларнинг гавдалари кучли ва қонлари яхши бўлади.**

* * *

**Кимки семирмоқчи бўлса ва у тиқилиш пайдо бўлишига мойил бўлмаса, ҳаммомга овқатдан кейин борсин.**

* * *

**Албатта, қари кишилар қувватларида орқага кетиш бор. Ҳар куни аҳволларида нуқсон бўлади.**

* * *

**Овқатланишда одатга риоя қилмоқ керак.**

* * *

**Хомсемиз гавда пишиқ гавдадан кўра оғирроқ овқатни кўтарувчан бўлади.**

* * *

**Соғлиқни сақловчи киши ўз овқатининг асосий қисмини сабзавотлар, мевалар ва булардан бошқа даво бўладиган овқатлардан бўлишига аҳамият бермоғи лозим.**

* * *

**Агар таом устига таом тиқиштирилса, кўпинча у оғирлашади, пастга тушади ва ҳазм бўлмай тушиб кетади.**

* * *

**Ортиқ даражада тўйиб кетиш табиий ҳароратни қамраб олади ва бадан совушига сабаб бўлади. Узоқ давом этган қийин ҳаракатлар ҳам руҳни бўшаштиради, натижада жасад совийди.**

* * *

**Илиқ сув ҳазмни бузади, таомга бўлган иштаҳани сўндиради, ичган замони чанқовни босмайди. Баъзан истисқо, қотмалик ва тананинг сўлишига ҳам олиб келади.**

ТВ · O'ZBEKISTON · TOSHKENT · SPORT · 1 · РОССИЯ ТЕЛЕКАНАЛ · НТВ · ТВ3

## ДУШАНБА, 5

### «Ўзбекистон»

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.00, 13.00, 22.55 «Иқлим».
7.05 «Сарой жавоҳири». Т/с.
7.40 «Дилхуш наволар».
8.00 «Таҳлилнома».
8.45, 17.15 «Олтин мерос».
8.50 «Қандай гўзал бу дунё».
9.05, 17.55 «Изҳор».
9.10 «Болалар дунёси».
9.30 «Чинор». В/ф.
10.35 «КиноТеатр».
11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
11.10 «Ватанпарвар».
13.05 «Ҳамон ёдимда...».
13.45 «Хаёл».
14.20 «Олам ва одам» дастури: «Мовий уммон қаърида».
15.10, 20.50 «Минг бир ривоят».
15.15 «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи».
16.15 «Нон қадри».
16.35 «Қўриқхонанинг тўрт фасли».
17.20 «2008 йил – Ёшлар йили». «Менингуниверситетим».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.00 «Сизнинг адвокатингиз».
18.05 «Сардор». Т/с.
18.30 Инновацион ғоя ва лойиҳалар республика ярмаркаси.
18.50 «Бир кун».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
20.05 «ТВ шифокор».
20.10 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
21.35 «Олтин қалам» танлови.
21.55 «Сўнгги қиролича». Т/с.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат».
23.10 «Табиб». Б/ф.

### «Ёшлар»

15.55 «Ватаним менинг!».
16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
16.10 «Кавингтон». Т/с.
17.00 «Ёшлар йили».
17.10 «Соғлиқ-бойлик».
17.30 «Ёшлар ва таълим».
17.45 «Келажак эгалари».
18.00 «Мулки мумтоз».
18.20 «Уфқ лочини». Т/с.
18.50, 21.55 «UzEX хабарлари».
18.55 «Тошкент-2200».
19.30 «Алия». Т/с.
20.15 «Таъзим».
20.20 «ТВ-банк».
20.30 «Тошкент оқшоми».
20.40 «Ёшлар навоси».
21.00 «Оқ кабутар».
21.10 «Жумонг». Т/с.
22.30 «О, ёшлигим!».
22.35 «SMS-мусиқа».
23.00 «Хаёт-мамот». Т/с.
23.45 «Юрт тинчлиги».

### «Тошкент»

17.55 М/ф «Дамбо».
18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
18.25 «Биласизми?».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.50 «Эсмеральда». Т/с.
19.20, 20.15 «ТВ юрист».
19.25 Музыка SMS.
19.50 «Будьте здоровы».
20.20 «Милагрос». Т/с.
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.45 «Уйларим».
22.10 «Аёл қалби».
22.45 «Кино SMS со звёздами».
22.50 Х/ф «18 лет спустя».

### «Спорт»

7.00 «Бодрое утро».
8.00 «Талқин».
8.25 «Малахов +».
9.30 «Версия».
10.00 Сериал «Татьянин день».
11.30 Стрельба из лука.
18.00 «Полвонжон».
18.20 «Тет-а-тет».
18.30, 21.30 «Хабарлар».
18.50 «Мусиқий тайм».
19.10 «Жди меня».
20.00 «Футбол шарҳи».
20.30 «Бизнес-ревю».
20.40 Баскетбол.
21.50 Еврофутбол.

### «Первый канал»

4.00, 8.05 «Доброе утро».
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 23.10 Новости.
8.25 «Малахов +».
9.25 «Модный приговор».
10.25 «Контрольная закупка».
11.15 «Убойная сила». Сериал.
12.20 «Детективы».
13.25 «Понять. Простить».
14.20 Рождение легенды. «Мимино».
15.00 «Огонь любви». Сериал.
15.55 «Федеральный судья».
17.25 «Пусть говорят».
18.10 «След».
19.00 «Принцесса цирка». Сериал.
20.00, 2.00 Время.
20.30 «Разведчики. Последний бой». Сериал.
21.30 «Гибель Гайдара. Легенда о красном всаднике».
22.25 Теория невероятности. «Трудоголики».
23.25 Ударная сила. «Наследницы Афины».
00.10 Х/ф «Республика любви».
1.45, 2.30 Х/ф «Сердце дракона».

### «Россия»

4.00 «Доброе утро, Россия!».
8.00 «Деревенский детектив». Х/ф.
9.45, 16.50 Вести. Дежурная часть.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести.
10.25, 13.20, 16.30 Местное время. Вести-Москва.
10.45, 23.20 Сериал «Частный детектив».
11.40 «Батальоны просят огня». Х/ф.
13.40 Сериал «Мачеха».
14.35 «Суд идет».
15.30 «Кулагин и партнеры».
17.05 «Женщина без прошлого». Сериал.
18.00 «Родные люди». Сериал.
19.30 Местное время. Вести-Московская область.
19.50 «Спокойной ночи, малыши!».
20.00 Сериал «Гаишники».
22.00 «Дежурный по стране».
23.00 «Вести+».
23.45 «Синемания».
00.15 «Дорожный патруль».
00.35 «Агент «Стрекоза». Х/ф.
2.05 «Колесо судьбы». Х/ф

### «НТВ»

5.00 «Сегодня утром».
7.40, 9.20, 10.40, 12.25 Сериал «Государственная граница».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.40 «Сегодня».
13.40 Сериал «Адвокат».
14.30, 17.30 «Обзор. Чрезвычайное происшествие».
15.30, 1.50 Сериал «Возвращение Мухтара-2».
18.40 Сериал «Афганский призрак».
20.35 Сериал «Закон и порядок».
22.05 Сериал «Семнадцать мгновений весны».
00.45 Х/ф «История Догвилля».
3.40 Сериал «Нашествие».
4.15 Сериал «Джоуи-2».

### «СТС»

7.00 «Человек-паук». М/с.
7.55, 14.00 «Смешарики». М/с.
8.00, 11.30, 18.00 Сериал «Моя прекрасная няня».
8.30, 20.00 Сериал «Папины дочки».
9.00, 21.00 «Я лечу». Сериал.
10.00, 19.30, 1.00 Истории в деталях.
10.30, 22.00 Сериал «Кто в доме хозяин?».
11.00, 17.30 «Галилео».
12.30 «Дочки-матери». Сериал.
13.30 Сериал «Папа на все руки».
14.30 «Тутенштейн». М/с.
15.00 «Приключения Вуди и его друзей». М/с.
15.30 «Приключения Джеки Чана». М/с.
16.00 «Чокнутый». М/с.
16.30 «Школа волшебниц». М/с.
17.00 Сериал «Сабрина - маленькая ведьма».
18.30 «Тайны Смолвиля». Сериал.
22.30 Х/ф «Красотки».
00.20 «6 кадров».
1.30 «Слава богу, ты пришел!».
2.45 Сериал «Королева экрана».
5.15 «Танцы со звездами». Сериал.
6.00 «Человек-паук». М/с.

### «ТВ-3»

7.00, 9.15 Мультфильмы.
7.45 М/ф «Вунш-Пунш».
8.15 М/ф «Мир Бобби».
8.45 М/ф «Флинт - детектив во времени».
10.00, 16.00 Сериал «Баффи - истребительница вампиров».
11.00 Х/ф «Магия смерти».
13.00 Д/ф «Разрушители мифов».
14.00, 18.00 Сериал «Звездные врата».
15.00 Д/ф «Гибель адмиралов. Тайна одной авиакатастрофы».
17.00 «Упс!».
19.00, 00.00 Сериал «За гранью возможного».
20.00 Сериал «Кости».
21.00 Д/ф «Тайные знаки. Николай II. Искаженные предсказания».
22.00 Х/ф «Легенда Кунг Фу».
1.00 Х/ф «Восставший из ада».
3.00 Культ наличности.

## СЕШАНБА, 6

### «Ўзбекистон»

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.00, 13.00, 22.55 «Иқлим».
7.05 «Сарой жавоҳири». Т/с.
7.40 «Дилхуш наволар».
8.00, 11.00, 11.50, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 14.20, 17.15 «Олтин мерос».
8.40, 18.10 «Сардор». Т/с.
9.05 «Изҳор».
9.10 «Табиат билан юзма-юз».
9.30 «Ўйла, Изла, Топ!»
10.15 Д. Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
10.35 «Эзгулик».
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».
11.10, 20.05 «ТВ шифокор».
11.15, 20.10 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
13.05, 21.55 «Сўнгги қиролича». Т/с.
14.25 «Мовий уммон қаърида».
15.15 «Интеллектуал ринг».
16.00 «Олтин қалам» танлови.
16.20 «2008 йил – Ёшлар йили» – «Менингуниверситетим».
16.45 «Юртим бўйлаб» дастури: «Солода акс этган дунё».
17.20 «Фарз ва қарз».
17.40 «Эртаклар - яхшиликка етаклар».
17.55 «Худудлар ҳаёти».
18.55 «Икки дарё оралиғида».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
20.50 «Минг бир ривоят».
21.35 Эркин мавзу.
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат».
23.10 «Табиб». Б/ф.

### «Ёшлар»

6.55 «Ватаним менинг!».
7.00 «Тараннум».
7.40, 17.10 «Мультипанорама».
8.00, 15.00 «Ёшлар майдони».
9.00, 19.30 «Алия». Т/с.
9.45 «Қадрдон қўшиқлар».
9.55 «Шарқ дарвозаси».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10 «Афсона ва ҳақиқат».
10.55 «О, ёшлигим!».
11.00 «Kinomaniya».
11.30 «Ёшлар ва таълим».
11.45, 18.00 «Мулки мумтоз».
12.00, 21.10 «Жумонг». Т/с.
12.40 «Journal».
13.10 «Ватанпарвар».
14.00, 18.20 «Уфқ лочини». Т/с.
14.30 «Сеҳрли қўллар».
16.10 «Кавингтон». Т/с.
17.00 «Даврнинг боласи».
17.50 «Болалар табассуми».
17.55 «Таъзим».
18.50, 21.55 «UzEX хабарлари».
18.55 «Оқ кабутар».
20.15 «Таъзим».
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Ёшлар навоси».
21.00 «Ватан меҳри».
22.30 «Футбол-2008».
23.00 «Хаёт-мамот». Т/с.
23.45 «Юрт тинчлиги».

### «Тошкент»

17.55 М/ф «Дамбо».
18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
18.25 «Биласизми?».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.50 «Эсмеральда». Т/с.
19.20 20.15 «ТВ юрист».
19.25 Музыка SMS.
19.50 «Химоя».
20.20 «Милагрос». Т/с.
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.45 «Уйларим».
22.10 «Узбеккино» намойиш этади: «Хаттотлик санъати».
22.45 «Кино SMS со звёздами».
22.50 Х/ф «Он, она и я».

### «Спорт»

7.00 «Бодрое утро».
8.00, 9.30, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.25 «Малахов +».
9.50 Сериал «Татьянин день».
11.20 «Спорт – менинг ҳаётим».
18.00 «Болалар спорти».
18.15 Мультфильм.
18.55 «Мусиқий тайм».
19.25 «Жаҳон спорти юлдузлари».
19.50 «Joker, Superlotto».
20.00 Гандбол.
20.30 «Бизнес-ревю».
20.40 Баскетбол.
21.50 Еврофутбол.

### «Первый канал»

4.00, 8.05 «Доброе утро»
8.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 23.10 Новости.
8.25 «Малахов +».
9.25 «Модный приговор».
10.25 «Контрольная закупка».
11.15 «Убойная сила». Сериал.
12.20 «Детективы».
13.25 «Понять. Простить».
14.20 «Тайные дороги войны».
15.00 «Огонь любви». Сериал.
15.55 «Федеральный судья».
17.20 «Пусть говорят».
18.10 «След».
19.00 «Принцесса цирка». Сериал.
20.00, 2.00 Время.
20.30 «Разведчики. Последний бой». Сериал.
21.25 «Все, что нажито непосильным трудом».
22.25 «Сокровища Кенигсберга».
23.25 «Доброй ночи».
00.30 Х/ф «Сновидения».
2.30 Х/ф «Последний выход».

### «Россия»

4.00 «Доброе утро, Россия!».
7.55, 3.00 «Смертельный таран. Правда о Николае Гастелло».
8.50, 10.45 Сериал «Опера. Хроники убойного отдела».
9.45, 16.50 Вести. Дежурная часть.
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести.
10.25, 13.20, 16.30, 19.30 Местное время. Вести-Московская область.
11.40 «Батальоны просят огня». Х/ф.
13.40 Сериал «Мачеха».
14.35 Праздничный концерт, посвященный Дню Радио.
17.05 «Женщина без прошлого». Сериал.
18.00 «Родные люди». Сериал.
19.50 «Спокойной ночи, малыши!».
20.00 Сериал «Гаишники».
22.05 «Женское лицо войны. «Катюша».
23.05 «Вести+».
23.25 «Генерал». Х/ф.
1.25 «Дорожный патруль».
1.45 Сериал «Закон и порядок».
2.40 Сериал «Война в доме-2».
3.50 «ХА».

### «НТВ»

5.00 «Сегодня утром».
7.40, 9.20, 10.40, 12.25 Сериал «Государственная граница».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.40 «Сегодня».
13.40 Сериал «Адвокат».
14.30, 17.30 «Обзор. Чрезвычайное происшествие».
15.30 Сериал «Возвращение Мухтара-2».
18.40 Сериал «Афганский призрак».
20.35 Сериал «Закон и порядок».
22.05 Сериал «Семнадцать мгновений весны».
1.00 «Главная дорога».
1.30 Х/ф «Даже девушки- ковбои иногда грустят».
3.20 Сериал «Нашествие».
4.15 Сериал «Джоуи-2».

### «СТС»

7.00 «Человек-паук». М/с.
7.55, 14.00 «Смешарики». М/с.
8.00, 11.30, 18.00 Сериал «Моя прекрасная няня».
8.30, 20.00 Сериал «Папины дочки».
9.00, 21.00 «Я лечу». Сериал.
10.00, 19.30, 1.00 Истории в деталях.
10.30, 22.00 Сериал «Кто в доме хозяин?».
11.00, 17.30 «Галилео».
12.30 «Дочки-матери». Сериал.
13.30 Сериал «Папа на все руки».
14.30 «Тутенштейн». М/с.
15.00 «Приключения Вуди и его друзей». М/с.
15.30 «Приключения Джеки Чана». М/с.
16.00 «Чокнутый». М/с.
16.30 «Школа волшебниц». М/с.
17.00 Сериал «Сабрина - маленькая ведьма».
18.30 «Тайны Смолвиля». Сериал.
22.30 Х/ф «Кукловоды».
00.30 «6 кадров».
1.30 «Слава богу, ты пришел!».
2.45 «Отчаянные домохозяйки». Сериал.
3.40, 4.30 «Жизнь с Луи». М/с.
5.20 «Танцы со звездами». Сериал.
6.10 Музыка на СТС.

### «ТВ-3»

7.00, 9.15 Мультфильмы.
7.45 М/ф «Вунш-Пунш».
8.15 М/ф «Мир Бобби».
8.45 М/ф «Флинт-детектив во времени».
10.00, 16.00 Сериал «Баффи - истребительница вампиров».
11.00 Х/ф «Команда».
13.00 Д/ф «Разрушители мифов».
14.00, 18.00 Сериал «Звездные врата».
15.00, 20.00 Сериал «Кости».
17.00 «Упс!».
19.00, 00.00 Сериал «За гранью возможного».
21.00 Д/ф «Тайные знаки. Коварство фальшивых денег».
22.00 Х/ф «Легенда Кунг Фу-2».
1.00 Х/ф «Вампиры».
3.00 Культ наличности.

## ЧОРШАНБА, 7

### «Ўзбекистон»

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
7.00, 13.00, 22.55 «Иқлим».
7.05 «Сарой жавоҳири». Т/с.
7.40 «Дилхуш наволар».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.35, 14.20, 17.15 «Олтин мерос».
8.40, 18.05 «Сардор». Т/с.
9.20, 17.55 «Изҳор».
9.25 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки дарё оралиғида».
9.45 «Бизнинг кутубхона».
9.55 «Олтин оху». М/ф.
10.25 «Ягона оилада».
10.45 «Худудлар ҳаёти».
11.10, 20.05 «ТВ шифокор».
11.15, 20.10 «Аччиқ ёлғон». Т/с.
11.50 «Айдаркўл кенгликларида».
13.05, 21.55 «Сўнгги қиролича». Т/с.
14.25 «Олам ва одам» дастури: «Мовий уммон қаърида».
15.15 «Заковат».
16.15 «Рангин дунё».
16.40 «Эркин иқтисодиёт».
17.20 «Таълимга эътибор - келажакка эътибор».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
18.00 «Сизнинг адвокатингиз».
18.40 «Автоҳамроҳ».
18.55 «Икки дарё оралиғида».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
20.50 «Минг бир ривоят».
21.35 «Одамлардан бири».
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат».
23.10 «Тақдир эшиги». Б/ф.

### «Ёшлар»

6.55 «Ватаним менинг!».
7.00 «Тараннум».
7.40, 17.10 «Мультипанорама».
8.00, 15.00 «Ёшлар майдони».
9.00, 19.30 «Алия». Т/с.
9.45 «Қадрдон қўшиқлар».
9.55 «Тошкент гуллари».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10 «Афсона ва ҳақиқат».
10.55 «Оқ кабутар».
11.00 «Зулфия издошлари».
11.10 «Нафосат олами».
11.20 «Матонат».
11.35 «Камолот».
11.45, 18.00 «Мулки мумтоз».
12.00, 21.10 «Жумонг». Т/с.
12.40 «Чемпион».
13.10 «Футбол-2008».
13.40 «Яшаш сирлари».
14.00, 18.20 «Уфқ лочини». Т/с.
14.30 «Сеҳрли қўллар».
16.10 «Кавингтон». Т/с.
17.00 «Даврнинг боласи».
17.50 «Болалар табассуми».
17.55 «Таъзим».
18.50, 21.55 «UzEX хабарлари».
18.55 «Энг улуғ неъмат».
20.15 «Таъзим».
20.20 «Автопатруль».
20.40 «Ёшлар навоси».
21.00 «Тошкент оқшоми».
22.30 «О, ёшлигим!».
22.35 «SMS-мусиқа».
23.00 «Хаёт-мамот». Т/с.
23.45 «Юрт тинчлиги».

### «Тошкент»

7.30 «Салом, Тошкент!».
8.30, 18.50 «Эсмеральда». Т/с.
8.55, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.15, 11.25, 19.20, 20.15 «ТВ юрист».

*(Давоми 4-бетда).*

